# Кечаси уйғониб қолсалар...

07:46 / 23.12.2018 6383

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси уйғониб қолсалар, ўн марта такбир, ўн марта таҳмид, ўн марта «**субҳанналлоҳи ва биҳамдиҳи**», ўн марта «**субҳаналқудус**» деб, ўн марта истиғфор, ўн марта таҳлил айтардилар. Сўнгра:

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ ضِيقِ الدُّنْيَا وَضِيقِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ

«**Аллоҳумма инний аъузу бика мин зийқид дунйа ва зийқи йавмил қийамаҳ**»ни ўн марта айтиб, намозни бошлардилар.

(Маъноси: Эй Раббим, дунёнинг торлигидан, қиёматнинг танглигидан Сендан паноҳ тилайман.)

Абу Довуд ривояти.

*Имом Нававийнинг “Ал-Азкор” китобидан*